



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 19 - aprel

827a -son

Bog‘ot shaharchasi

“SUHROB - OTAMUROD” хусусий корхонасига Боғот туманидаги “Маданият” маҳалласи МФЙ биноси қурилиши эвазига инвестор учун Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласи ҳудудидан “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари” биноси қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Маданият” маҳалласи МФЙ биноси қурилиши инвестори “SUHROB - OTAMUROD” хусусий корхонаси раҳбари И.Хайитовнинг ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил апрель ойидаги сўровномасини кўриб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2020 йилдаги йиғилиш баёнини ҳамда туман ҳокимлиги ва “SUHROB - OTAMUROD” хусусий корхонаси ўртасида тузилган 2021 йил апрель ойидаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича” тузилган БИТИМни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 22-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Боғот тумани “Маданият” маҳалласи МФЙ биноси қурилиши инвестори “SUHROB - OTAMUROD” хусусий корхонасига “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари” биноси қуриш учун Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласи И.Дусов массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 1125, 1126-қисман контурларидан 4600 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

МФЙ биносини қуриш эвазига Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласи худудидан ажратиб берилган 4600 квадрат метр ер майдонини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

4. Ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев)га, ер участкасида объект қурилишини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари (А.Курьязов)га, белгиланган тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га топширилсин.

5. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев) ва “Нурли маскан” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Б.Жумабоев)га доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонини жойнинг ўзида (натура)да, далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 2 (икки) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

7. “SUHROB - OTAMUROD” хусусий корхонаси раҳбари И.Хайитовга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Э.Рўзметов ва А.Курьязовлар зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев